

**“Ўзкимёсаноат” АЖ  
Комплаенс хизмати  
бошлиғи Ш.Сағдуллаевга**

**“Фарғонаазот” АЖ Комплаенс назорат хизмати томонидан  
2022 йилнинг 1 ярим йиллигида амалга оширилган тадбирлар  
Х И С О Б О Т И**

Сизнинг 2022 йил 24 июндаги № 27-410 сонли сўровингизга асосан маълум қиламизки “Фарғонаазот” АЖ Комплаенс назорат хизмати томонидан 2022 йилнинг 1-ярим йиллигида тасдиқланган йиллик режа асосида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

**Коррупцияга оид қабул қилинган ҳужжатлар ва уларни таништирилганлик даражаси**

“Фарғонаазот” АЖ ҳуқуқшунослик бўлими билан ҳамкорликда ҳозирги кунга қадар 15 та меъёрий ҳужжатлар тайёрланган ва корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган. Ушбу меъёрий ҳужжатлар корхонанинг ҳар бир бўлим-бўлинмалари ҳамда цехлар раҳбарларига юборилган ҳамда ҳафтанинг жума кунлари ўтказиладиган маънавийят кунларида ходимларга етказиб борилмоқда.

Шунингдек, мазкур меъёрий ҳужжатлар танишув варақалари орқали таништириб борилмоқда ҳамда корхонанинг расмий веб сайтыга жойлаштирилган.

Жамият раисининг маънавий-маърифий ишлар ҳамда ўзбек тили буйича маслаҳатчиси ҳамда ҳуқуқшунослик бўлими билан ҳамкорликда “Фарғонаазот” АЖ янги “Хизмат одоби қоидалари” ишлаб чиқилиб, 2022 йилнинг июнь ойида корхона бошқарув раисининг 06 июндаги № 980 сонли буйруғи билан тасдиқланди. Ушбу меъёрий ҳужжат билан корхона ишчи-ходимларини таништириш мақсадида тасдиқланган режа асосида жамият бўлим ва цехларида ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, жамият ишчи-ходимларининг коррупцияга қарши курашиш, коррупция иллатига муросасиз бўлиш муносабатини шакллантириш, ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш мақсадида ўқув-дастури (Буйруқ №115, 24.01.2022й.) ишлаб чиқилиб, тасдиқланган жадвал асосида компаенс назорат хизмати ходимлари томонидан бўлимлар ва цехларда ўқитиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, раҳбар ходимларнинг коррупцион ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этиш хавфини камайтириш бўйича жамият меҳнат муносабатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими томонидан корхона таркибий бўлинмалари муҳандис техник ишчилари ловозим окладларига қўшимча рағбарлантириш тўғрисидаги (170 тўлов бўйича) Низом ҳамда таркибий бўлинмалар раҳбарлари ловозим окладига қўшимча рағбарлантириш тўғрисида

(171 тўлов тури) Низомлари (Буйруқ №76, 17.01.2022й.) кўриб чиқилиб, янгиланди.

Шунингдек, жорий йилнинг 01 июнь кунидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-138 сонли Фармонида асосан “Фарғонаазот” АЖ да ловозим оклади ва соатлик тариф ставкаси 12% га оширилди.

## **Тузилган шартномлар, ўтказилган тендер ва конкурслар қонунийлиги ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги**

2022 йилнинг 1 ярим йиллигида корхона томонидан 715 та ( **1 чорақда 315 та**) шартномалар жами 457 029 875 569 сўмлик (**1 чорақда жами 74 743 222 776 сўмлик**) (Шундан шартномалар турлари бўйича кўрилганда; биржалар орқали – 580 тани, корпоратив карта – 0 тани, кредит (займ) – 0 тани, тўғридан-тўғри шартномалар– 135 тани ташкил қилади) тузилган бўлиб, шартномалар ички меъёрий ҳужжатларга мос келади.

Тузилган шартномаларни турлари бўйича кўрилганда биржалар орқали - 580 тани, корпоратив карта 0 та, тўғридан-тўғри 135 тани ташкил қилади.

Тўғридан тўғри тузилган жами 319 млрд 978 млн 430 минг 316 сўмлик (**1 чорақда 34 млрд 619 млн 201 минг 694 сумлик**) 135 та шартномалар (**1 чорақда 84 та**) асосан монополист ташкилотлар билан коммунал тўловлар учун ҳамда корхона томонидан етказиб берилган эл.энергия, сув ва хизмат кўрсатиш, лойиха ташкилотлари билан амалга оширилган ишларни ташкил этади. Уларни ўрганиш давомида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.

Шартномаларни ўрганиш жараёнида талаблар бўйича маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилганлиги, сабабсиз етказиб бермаслик ҳолатлари ҳамда муддатларини ўтказиб юбориш ҳолатлари аниқланмади. Ушбу даврда биржа орқали жами 8648643834,0 сўм бўлган 20 та танловлар ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўтказилган. Тендерлар ўтказилмаган.

Жорий йилда жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ-хўжалик, саноат ва қурилиш маҳсулотларини сотиб олмақчи бўлаётган юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган 351 та шартномаларда (**1 чорақда 268 та**) кўрсатилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди ва тегишли ҳулосалар берилган.

Маҳсулотларни олди-сотдиси ва ишга қабул қилиш учун тузиладиган икки томонлама шартномаларда коррупциявий қонун бузилиш ёки ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида 2021 йил 20 апрелдаги №556 сонли буйруқ билан “Антикоррупционная оговорка АО “Ferganaazot”” ишлаб чиқилиб, шартномаларга алоҳида бандлар киритиб борилмоқда.

**Берилган ёки олинган совғалар, амалга оширилган вакиллик харажатлари, корпоратив карталардан фойдаланишда қонунчилик талаблари бажарилиши.**

Жамият томонидан 2022 йилнинг 1 ярим йиллигида (1 чорақда) совғалар учун харажатлар қилинмаган ва совғалар олинмаган.

“Фарғонаазот” АЖнинг “Ўзкимёсаноат” АЖ даги вакиллик харажатлари учун 2022 йил 1 ярим йилликда тезкор 46 млн. 710 минг 173,24 сўм маблағ (1 чорақда 21 млн.293 минг 795,62 сум) сарфланган бўлиб, ундан 45 млн. 482 минг 624,86 сўм ойлик маошларни (1 чорақ 20 млн. 697 минг 117,84 сум), 1 млн. 227 минг 548,38 сўм (1 чорақ 596 минг 677,78 сум) коммунал тўловларни ташкил этади.

2022 йилда жамият бизнес режасига кўра 70 млрд 863 млн. сўмлик (2022 йил 1 ярим йилликда режа буйича 34 млрд 724 млн. сўм) (1 чорақда режада 2 млрд 152 млн. сум) хомийлик харажатлари кузда тутилган бўлиб, жорий йилда республика Хукумати топшириғига кўра 35 млрд 767 млн. 690 минг 898 сўм, Жамият бошқарув Кенгаши қарорларига кўра 10 млн. 695 минг 245,54 сўм, жами 35 млрд 778 млн. 386 минг 143,54 сўм (1 чорақда жами 20 млрд 713 млн. 295 минг 245,54 сум) хомийлик ишлари амалга оширилган (1 млрд 054 млн 386 минг, 143,54 сўм режадан ташқари). Хайрия тадбирлари ўтказилмаган.

Корхонада корпоратив картадан фойдаланиш қонунийлигини таъминлаш мақсадида комплаенс назорат хизмати томонидан бошқарув раиси номига киритилган хизмат хатига асосан (Қайд.№786, 18.02.2022й.) ҳозирда ҳуқуқшунослик бўлими томонидан корпоратив карточкадан фойдаланиш Низоми ишлаб чиқилмоқда.

**Фуқароларни ишга олиш ва ходимларни лавозимдан лавозимга ўтказишда амалдаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатларга мослиги, аниқланган манфаатлар тўқнашуви, мавжуд камчиликлар, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори ижроси ҳолати.**

Жамиятда фуқароларни ишга қабул қилиш Низом ва номзодларни текшириш бўйича йуриқнома (Буйруқ №1254, 11.08.2021й.) меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5177-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, интернет тармоғига жойлаштирилган <http://azot.vakantlar.uz> хавола орқали ишга туширилувчи дастур орқали корхонага ишга қабул қилиш “Фарғонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунги № 1259-сонли буйруғи билан жорий йил 01 сентябрдан жорий этилган ҳамда ишчи комиссия аъзолари тасдиқланган.

Ўтган ҳисобот даврида корхонага жами 100 нафар фуқаролар янги дастур асосида (1 чорақда 47 нафар) ишга қабул қилинди. Шунингдек, тўрли

сабабларга кўра 197 нафар шахслар (1 чорақда 101 нафар) ишдан бўшаб кетган. Корхонада 893 нафар ишчи-ходимлар (1 чорақда 463 нафар) ички иш жойини ўзгариши муносабати билан бошқа лавозимларга ўтказилган.

Корхона раҳбарияти томонидан ҳафтанинг ҳар душанба-сешанба кунлари мурожаатчиларни қабул қилиш ишлари амалга оширилиб, ишга кириш масалалари атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, 2022 йил Президентимиз томонидан «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан, ишчи хизматчиларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш учун жамият бошқарув раисининг кўрсатмасига биноан барча цехлар бошлиқлари томонидан ўзларига тегишли бўлган ишчи-ходимларни шахсий масалалари бўйича қабул қилиш кунлари белгиланиб, тегишли тартибда уларни қабул қилиш ишлари тизимли равишда ташкиллаштирилди.

2022 йил 21 апрелда “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси томонидан корхонанинг янги структураси тасдиқланиб, жамиятда ўзгаришлар бўлган бошқарма ва бўлимларига раҳбар ва ходимлар тегишли тартибда расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6257 Фармони, 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-5177 Қорори ҳамда “Фарғонаазот”АЖ бошқарув Раиси томонидан 2021 йил 17 июнда тасдиқланган ““Фарғонаазот”АЖ да манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ”нинг 5.4 банди талабларидан келиб чиқиб, корхонанинг меъёрий ҳужжатида кўрсатиб ўтилган 210 нафар ходимлар манфаатлар тўқнашуви бўйича декларацияни тўлдиришди ва декларациялаш натижасида 4 нафар раҳбар ходимларда манфаатлар тўқнашуви ҳамда 6 нафар ходимларда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви борлиги аниқланди. Мавжуд ҳолатлар ахлоқ комиссиясида кўриб чиқилиб, манфаатлар тўқнашуви бартараф этилди. Ўтказилган декларациялаш натижалари корхона расмий веб сайтга жойлаштирилди.

Ўтган ҳисобот даврида ўтказилган 7 та хизмат суриштирувлари жараёнида (1 чорақда 2 та) аниқланган салбий ҳолатлар бўйича 4 нафар ходимлар билан хизмат шартномалари бекор қилинди, 6 нафарига “хайфсан” жазо чоралари кўрилди, 10 нафар ишчи-ходимларнинг ойлик маошларидан маълум бир фоиздаги жарималар ушлаб қолинди.

## **Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларни ўрганиш натижалари**

2022 йилнинг 1 ярим йиллигида корхонанинг жисмоний ва юридик шахсларни қабулхонасига 235 та мурожаатлар (42 та ёзма, 186 та оғзаки, 7 таси сайёр қабулларда) ( 1 чоракда 123 та мурожаатлар - 18 та ёзма, 101 та оғзаки, 4 таси сайёр қабулларда) бўлган. Улардан 186 таси ( 1 чоракда 108 та) ишга жойлашиш масаласида, 3 та ( 1 чоракда 2 та) хомийлик ёрдами сўраш, 1 харидга оид (1 чоракда 1 та), бошқа масалалар бўйича 45 та (1 чоракда 12 та) бўлиб, барча мурожаатлар бўйича тегишли жавоблар берилган.

Бевосита корхонага келиб тушган мурожаатлар бўйича 59 таси (1 чорак- 51 та) қаноатлантирилган, 176 таси (1 чорак - 68 таси бўйича) бўйича тушунтиришлар берилган. Виртуал қабулхона орқали келиб тушган 5 та мурожаатдан 2 таси қаноатлантирилган, 3 таси бўйича тушунтиришлар берилган.

Тахлил қилиш натижасида аниқланишича, тушунтириш берилган фуқороларнинг аксарияти ишга жойлашиш бўйича мурожаат қилган. Ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида қонун бузилиш ҳолатларига йул қўйилмаган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига асосан, Президент Администрацияси томонидан ишлаб чиқилган “Ҳокимлар томонидан аҳолини қабул қилиш, фуқороларнинг мурожаатлари ва муаммоларини самарали ҳал этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида чора-тадбирлари” юзасидан жамиятда режа ишлаб чиқарилиб, тадбирлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси Ж.Т.Мирзамахмудов бошчилигида 2022 йил 11 февралда 2021 йилда коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ўтказилган йиғилиш баённомаси қарорига асосан ишчи хизматчилар ва бошқа фуқороларнинг муаммолари бўйича мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилиш учун жамият комплаенс назорат хизмати ҳамда ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўлими ходимлари билан ҳамкорликда [@fargonaazotanticorbot](https://t.me/fargonaazotanticorbot) телеграмм бот канали ишга туширилган. (Тўғриланди)

**Коррупцион хавф-хатарлар мавжуд бўлган бошқа ҳолатлар (ишлаб чиқаришда қўшиб ёзиш, омборлардаги камомадлар, инвестицион лойihalарни амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар, фуқороларни ишга олиш ва лавозимдан лавозимга ўтказиш ва ҳ.к.) тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тергов бошқармасининг 2021 йил 21 май кунги 170008/2021-157ЛН сонли хатига асосан корхона бошқарув раисининг 2021 йил 30 июлдаги №1187-сонли буйруғи чиқарилиб, жамиятга тегишли бўлган цехларда «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан корхона молиявий хўжалик

фаолиятини ўрганиш учун юборилган гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда асосий воситаларни **инвентаризация** қилиш ишлари ўтказилиб, ҳозирда якуний ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган ҳисобот даврида “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг кўрсатмасига асосан “Фарғонаазот” АЖ комплаенс назорат хизмати томонидан ваколатли омборларни ўрганиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди ва қуйидагилар аниқланди.

Корхона томонидан минерал ўғитларни захира қилиш учун ваколатли омборларни танлаб олиш мақсадида “Ўзкимёсаноат” АЖ нинг 2021 йил 27 апрелдаги 49-сон буйруғи талабларига мувофиқ танлов асосида хусусий тадбиркорлар билан сақлаш шартномалари тузилиб, 17 та ваколатли омборлар ташкил этилган. Тузилган шартномаларга асосан нотариусда ипотека шартномаси тузилиб, тадбиркорга тегишли мол-мулкларни гаровга қўйиш эвазига техник соз, темир йул йулакчаси мавжуд ва минерал ўғитларни сақлаш учун яроқли бўлган онлайн камералар билан таъминланган йирик омборларда 113 минг 526 тонна минерал ўғитлар захира қилинган. Ушбу минерал ўғитлар жорий йилнинг 1 март кунига қадар биржалар орқали тўлиқ сотиб бўлинган.

Жамият томонидан ҳозирги кунга қадар юридик шахсларнинг қарздорлиги эвазига олинган 13 та ваколатли омборлардан 8 таси корхона балансига ўтказилган бўлиб, қолган 5 та омборни ўтказиш ишлари давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг 30 июнь ҳолатига Фарғона вилоятидаги 2 та омборда 1.186 тонна аммиакли селетра ва 3640 тонна карбомид, Бухоро вилоятидаги 1 та ваколатли омборда 1112 тонна аммиакли селетра, жами 2298 тонна аммиакли селетра ва 3640 тонна карбамид минерал ўғити қолдиғи мавжуд бўлиб, бу махсулотлар биржа савдолари орқали тўлиқ сотиб бўлинган.

Ҳисобот даврида комплаенс назорат хизмати томонидан **1 ярим йилликда 7 та ички хизмат суруштирувлари (1 чорақда 2 та - №1 ва №2 хизмат суриштирувлари)** ўтказилди. Жумладан:

1) Комплаенс назорат хизмати томонидан Андижон вилояти Балиқчи туманида жойлашган «ХАМКОР АГРО МИНЕРАЛ» хусусий корхонаси ҳисобчиси У.Мамажоновни «Ўзкимёсаноат» АЖ нинг «Ишонч телефони»га “Фарғонаазот” АЖ дан биржа орқали олган минерал ўғитларини олгани келган вақтда, яъни, 2021 йил 15 декабрь куни жамият идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими ходими Ж.Низомовнинг унга нисбатан нотўғри хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаати юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида, ҳолатни очиқ, холис, шаффоф ва адолатли ўрганиб чиқиш мақсадида, бошқарув раисининг 2021 йил 21 декабрь кунидан № 1642-сон буйруғи билан шу йилнинг 15 декабрь кунидан 28 декабрь кунига қадар ички хизмат текшируви ўтказилди.

Натижада, У.Мамажановни кўргазмаларида таъмагирлик аломатлари борлигини ва бу ҳолатларга ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан ҳуқуқий баҳо

берилиши кераклигини эътиборга олиб, тўпланган хужжатлар худудий тегишлилиги бўйича **Фарғона шаҳар прокуратурасига юборилди.**

2) Фарғона вилояти Бувайда туманида жойлашган «ИШОНЧ МИНЕРАЛ САВДО» МЧЖ рахбари А.Маматализоданинг «Ўзкимёсаноат» АЖ нинг «Ишонч телефони» га 2022 йил 31 январь куни, корхонанинг Андижон вилояти Жалакудук туманида жойлашган № 16-сон ваколатли омборидан, биржа савдоларида сотиб олган минерал ўғитларни олиб келиш учун борган вақтида, омбор ходимлари томонидан кўпол муомилада бўлиш ҳамда таъмагирлик ҳолатлари булаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати билан танишиб чиқиб, мурожаатни «Ўзкимёсаноат» АЖ Бошқарув раиси Ж.Т.Мирзамахмудов томонидан ўрганиш юзасидан берган кўрсатмасига асосан, ҳолатларни очиқ, ҳолис, шаффоф ва адолатли ўрганиб чиқиш мақсадида, бошқарув раисининг 2022 йил 3 февраль кунидан № 190-сон буйруғига асосан шу йилнинг 3 февралидан 14 февраль кунига қадар ўтказилди.

Натижада, А.Маматализоданинг кўргазмаларида таъмагирлик аломатлари борлигини ва бу ҳолатларга ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан ҳуқуқий баҳо берилиши кераклигини эътиборга олиб, тўпланган хужжатлар “Ўзкимёсаноат” АЖ Комплаенс хизмати ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали **Андижон вилоят прокуратурасига юборилди.**

3) Фарғона шаҳар Шароф Рашидов кучаси 25/2 уй 58 хонадонда яшовчи фуқаро М.О.Нумоновни 2022 йил 4 апрель куни, Идоравий харбийлаштирилган кўриклаш бўлими ходими Г. Расуловни хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб корхона рахбарига мурожаат этган аризаси юзасидан Комплаенс назорат хизмати бошлиғи Г.В.Жаббаров ва Тартиб бўлими бошлиғи М.К.Фузайловга мурожаатда курсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси юзасидан тегишли чоралар қилиниши ҳақидаги ёзма топшириғига асосан ҳолатни очиқ, ҳолис, шаффоф ва адолатли ўрганиб чиқиш мақсадида, шу куннинг ўзида бошқарув раисининг 2022 йил 4 апрель кунидан № 536-сон буйруғи билан, Комплаенс назорат хизмати бошлиғи Г.Жаббаров рахбарлигида ишчи гуруҳ Комплаенс назорат хизмати етакчи мутахасиси Ш.Бобоев, Тартиб бўлими етакчи муҳандиси Ф.Маллаев ҳамда Жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатлари билан ишлаш бўлими етакчи мутахасиси Г.Муродова таркибида тузилиб, хизмат текширувига киришилди.

Фуқаро М.О.Нумоновни мурожаати юзасидан ишчи гуруҳ ИХКБ бошлиғининг ўринбосарлари М.Адилов ва Х.Саидов иштирокида 4 апрель куни, соат 12 да, аризачи М.Нумонов билан учрашиб, ҳолат юзасидан гаплашиб қурилганда, у корхонада ишчи бўлиб ишловчи акаси Б.Нумоновни 31 март куни, иш жойида ИХКБ нинг «Ғолиб» исмли соқчиси телефон билан ушлаб олиб, тегишли тартибда чора қилиниши ва бунинг натижасида у йил давомида мукофат пулларини олмаслиги билан кўрқитиб, ёрдам бериши эвазига, ундан 400 000 сўм пул беришни талаб қилганлигини маълум қилди.

Кўрилган чоралар натижасида, корхона ИХКБ соқчиси Г.Д.Расулов ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилганлиги аниқланиб, у билан 2022 йил

05 апрель куни корхонанинг № 109-сон буйруғи билан **мехнат шартномаси бекор қилинди.**

Шунингдек, ИХКБ ходимлари Х.Абдуллаев, Н.Иброхимов, Х.Хаитбоев ва Д.Ахадовлар хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаганликлари учун ўларнинг хар бирига **“хайфсан”** интизомий жазоси эълон қилинди.

4) «Фарғонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2022 йил 19 апрелдаги №629-сонли буйруғига асосан ишчи гуруҳи тузилиб, ИХКБ бошлиғи А.Хамраевнинг корхона раҳбарига шу йилнинг 12 апрель куни юкларни жунатиш ва темир йул цехлари маъсул ходимларини минерал ўғитларни вагонларга юклаш, хужжатлаштириш ва жунатишда йул қўйган хатоликлари аниқланганлиги хақида берган билдиргисида кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш мақсадида 19 апрелдан 30 март кунига қадар ички хизмат текшируви ўтказилди.

Аниқланишича, жамият савдо бўлими томонидан юкларни жунатиш цехига, биржа савдолари натижасига кўра минерал ўғитларни истеъмолчиларга темир йул орқали жунатиш хақида 2022 йил 4 апрель кунидан № 77-сонли буюртмаси асосида, юкларни жунатиш цехи муҳандислари Г.Юсупова, И.Ахмедов, А.Кодиров ва К.Мамажонов, темир йул цехи смена катта усталари В.Зокиров ҳамда Н.Ашуралиев билан ҳамкорликда, алмашиш (смена) асосида шу йилнинг 11-12 апрель кунлари ишда бўлишиб, минерал ўғитларни вагонларга юклаш ва истеъмолчиларни манзилларига жунатиш ишларини ташкил этишган. Мазкур маъсул ходимларнинг хизмат вазифаларига эътиборсизлик билан ёндашишлари натижасида, минерал ўғитлар нотўғри юкланиб, № 24251084-рақамли вагон бир томонга оғиш («перекос») булган куриниб турган бўлсада, «Киргули» темир йул бекатида олиб чиқилиб, темир йулга топшириш вақтида бу оғиш ҳолати аниқланган ва корхонага қайтарилган.

Бунинг натижасида, ўшбу шахслар № 24251084-рақамли вагонни оғиш («перекос») сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўрмасдан «Киргули» темир йул бекатида бошқа смена алмашишини кутиб, янги сменага топшириш учун корхона ҳудудидан олиб чиқмоқчи бўлишганда, хизматда булган Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими соқчиси Х.Хомидов томонидан вагонларни корхона ҳудудидан чиқариш учун шу йилнинг 12 апрель куни тузилган № 266-сон приказ-фактурасида № 24251084-рақамли вагон умуман кўрсатилмаганлигини, унинг ўрнида № 28041879-рақамли вагон ёзилганлигини аниқлаб, хизмат йуриқномасига асосан қоровул бошлиғига ахборот берган.

Хизмат суриштируви натижасига кўра, хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаганликлари учун Г.Юсупова, И.Ахмедов, А.Кодиров ва К.Мамажонов, темир йул цехи смена катта усталари В.Зокиров ҳамда Н.Ашуралиевларга тегишли интизомий жазолар эълон қилинди.

Шунингдек, назорат қилиш ишларини сусайтириб юборганлиги учун юкларни жунатиш цехи бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Исаков ва темир йул цехи бошлиғи Д.Турсуновларга **“хайфсан”** интизомий жазо чоралари кўрилди.



5) «Фарғонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2022 йил 21 апрелдаги № 649-сонли буйруғига асосан тартиб бўлими бошлиғи М.Фузайлов раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузилиб, жорий йилнинг 10 апрель куни №3 сонли ишлаб чиқариш майдонидан электр кабелларни талон-тарож қилинганлиги юзасидан ички хизмат текшируви ўтказилди.

Ички хизмат текшируви давомида номаълум шахслар томонидан 2022 йилнинг 10 апрель куни №3 сонли ишлаб чиқариш майдонида жойлашган “Полиамид-6” цехидан ҳозирги кунда ишламасдан турган, электр токи ўтказилган 19 метр узунликдаги ВВБГ 4x70 русумли кабел ўғирлаб кетилган.

Олиб борилган суриштирув ишлари жараёнида мазкур ўғирликни корхона ИХКБ 1-гуруҳ ўқчилари Ф.Жалолдинов, С.Бойматов, А.Юлдашевлар шу ерда фермер хужалиги ишчиси 1971 йилда туғилган фуқоро Эргашев Акбарали Абдусаматович билан олдиндан тил бириктириб амалга оширишганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан ИХКБ 1-гуруҳ ўқчилари Ф.Жалолдинов, С.Бойматов, А.Юлдашевлар шу ерда фермер хужалиги ишчиси 1971 йилда туғилган фуқоро А.Эргашевларга нисбатан тупланган хужжатлар қонуний чоралар куриш учун **Фарғона вилояти ИИБ га юборилган.**

Шу билан бирга, ИХКБ 1-гуруҳ ўқчилари Ф.Жалолдинов, С.Бойматов, А.Юлдашевлар ўз хохиши билан ишдан бушаш туғрисидаги аризаларига мувофиқ улар билан 2022 йил 26 апрелдаги №120, №121, №122 сонли буйруққа асосан улар билан **меҳнат шартномалари бекор қилинган.**

Жамият мулкани ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашиб, талон-тарож қилишга шароит яратиб берганлиги сабабли №3 сонли ишлаб чиқариш майдонига жавобгар булган ИХКБ бошлиғи уринбосари З.А.Битураевга, ИХКБ қуриқлаш сменаси каттаси О.Матқосимовга, смена тарқатувчиси О.Абдуллаевга ҳамда ИХКБ ўқчиси Р.Қодировга нисбатан тупланган хужжатлар тегишли интизомий чоралар кўриш учун бошқарув раисининг курсатмасига асосан Ходимлар билан ишлаш бўлимига топширилган.

6) «Фарғонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2022 йил 10 майдаги № 744-сонли буйруғига асосан Комплеанс-назорат хизмати томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, тартиб бўлими бошлиғи М.Фузайловнинг жамият бошқарув раиси номига, корхонанинг №3-ишлаб чиқариш майдонидаги “Ацетат тола” цехида электр кабелларни талон-тарож қилинганлиги юзасидан шу йилнинг 17 май куни берган билдиргисида кўрсатилган ҳолатларни ҳолисона, шаффоф ва атрофлича ўрганиш учун жорий йилнинг 10 май кунидан 20 май кунига қадар ички хизмат текшируви ўтказилди.

Ички хизмат текшируви давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахслар томонидан, 2022 йилнинг тахминан январь ойини охирида, корхонанинг №3-сонли ишлаб чиқариш майдонида жойлашган ацетат тола цехи худудидан, бинонинг шамоллатиш тизими учун мулжалланган қурилманинг (позиция рақами АВС-7 ) двигателига монтаж қилинган нархи 1 млн. 386 минг 552 сум бўлган, умумий узунлиги 12.4 метр ВБШв 3x120+1x70 русумдаги электр кабеллар яширин равишда олиб чиқиб кетилган. Шунингдек,

корхонанинг жами нархи 10 млн 052 минг 469 сумлик, умумий узунлиги 87 метр булган ВБШв 3x120+1x70 русумдаги кабеллари (шундан 48 метр кабеллар талон-тарож қилишга суикасд қилинган), шунингдек, кабелларни монтаж қилиш учун фойдаланиладиган, жами нархи 3 млн 401 минг 700 сўм булган, 4СТП-1 70/120 номли 6 дона кабель муфталари хамда жами нархи 1 млн 669 минг 800 сўм бўлган, 4КВТпН-1 70/120 номли 6 дона канцевая муфталар кабеллар билан бирга талон-тарож қилиниб, корхонага жами 15 млн 123 минг 969 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Корхонанинг Ацетат тола цехида электр кабелларини яширин равишда талон-тарож қилинганлик ҳолатига қонуний баҳо бериш учун ички хизмат текширув даврида ўғрилиқ ҳолатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳудудий тегишлилиги буйича **Фаргона шаҳар прокуратурасига юборилди.**

7) Жамият бошқарув раисининг 2022 йил 26 майдаги № 913-сонли буйруғига асосан Комплеанс-назорат хизмати бошлиғи Г.Жаббаров, Тартиб бўлими етакчи муҳандиси Д.Эшонов, Бухгалтерия бўлими етакчи мутахассиси Х.Худойбердиев, Ишлаб чиқариш бўлими етакчи мутахассиси М.Хамрокулов ва Комплеанс-назорат хизмати етакчи мутахассиси Ш.Бобоевдан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, ишчи гуруҳ томонидан карбамид ишлаб чиқариш цехининг собиқ ишчиси М.Маназаровнинг корхона раҳбари номига, шу йилнинг 25 май куни ёзган аризасида карбамид ишлаб чиқариш цехида хом-ашё сифатида фойдаланиладиган аммофос минерал ўғитларини талон-тарож қилинганлиги ҳолатларини ҳолисона, шаффоф ва атрофлича ўрганиш мақсадида ички хизмат текшируви ўтказилди.

Ички хизмат текшируви жорий йилнинг 26 май кунидан 2 июнь кунига қадар ўтказилиб, аризада курсатиб утилган карбамид цехида аммофос минерал ўғитларини талон-тарож қилинганлик ҳолатига қонуний баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар ҳудудий тегишлилиги буйича **Фаргона шаҳар прокуратурасига юборилган.**

Амалга оширилган 7 нафар ички хизмат суриштирувлари давомида аниқланган ҳолатлар асосан харид қилинган маҳсулотларни олиш вақтида рўй берган салбий ҳолатлар, ўғирликлар ва юкларни жунатиш ишларидаги камчиликлар бўлиб, корхонага **48 млн 336 минг сўм моддий зарар келтирилган.** (Кабел ўғирликлари буйича аниқланган 3 та ҳолатда).

Ўтказилган таҳлил ишлари шуни курсатадики, комплеанс назорат хизмати томонидан 2021 йил 1 ярим йиллиги давомида **5 та коррупцион ҳолатлар** аниқланиб, **5 та хизмат суриштирувлари (1 чорак 2021 й. да 3 та)** ўтказилган. Ушбу салбий ҳолатлар оғборлардан товар-моддий бойликларини ўғирлаш, меҳнат интизомини қўпол равишда бузиш ва ишлаб чиқарилган минерал ўғитларни талон-тарож қилиш ҳолатлари бўлиб, келтирилган моддий зарарлар ундириб олинган.

Корхонада коррупцияга қарши кураш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга риоя этиш хамда олиб борилаётган чора-тадбирлар, дастур асосида ўқитиш ишлари натижасида 2022 йил 1 ярим йиллигида бундай ҳолатлар содир этилмаган.

Шунингдек, фуқороларни ишга олиш жараенида янги қоидалар ва ўзгаришлар киритилиши оқибатида коррупцион хавф-хатарлар камайтирилди.

Жамият раҳбарияти билан курилган чоралар натижасида жамият цехларида “мертвые души” лар бўлмаслигига ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилинишига эришилди.

### **Корхонада ходимларни ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик принципини шакллантириш буйича ўқитиш, тренинг, семинар + профлактик тадбирлар**

Ўтган 2021 йилда “Фарғонаазот” АЖ да аниқланган салбий ҳолатларни такрорланишини олдини олиш ҳамда ишчи-ходимлар ҳуқуқий онгини юксалтириш ва коррупция иллатига нисбатан тоқатсизлик принципини шакллантириш мақсадида 2022 йилнинг **1 ярим йиллигида жами 47 та профлактик (1 чорақда 23 та проф. тадбир)** тадбирлар ўтказилди. (Алоҳида илова қилинмоқда).

**Жумладан:** Корхона радиоси орқали жамият бошқарув раиси томонидан Комплаенс хизматининг 2021 йилда коррупцияга қарши амалга оширилган ишлари ҳисоботи бўйича “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг Баённомаси раҳбар ходимларга етказилиб, тегишли топшириқлар берилди. Жамият комплаенс назорат хизматининг 2021 йилда коррупцияга қарши кураш йуналишида амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботи корхонанинг расмий веб сайти (azot. uz) га жойлаштирилди.

Шунингдек, Корхона “Кимёгар” газетасининг 2021 йил 28 декабрдаги 12-сонида аксилтарғибот ишларини амалга ошириш учун “Коррупцияга қарши кураш-долзарб вазифа” номли **мақола** эълон қилинди.

Бундан ташқари, газетанинг мазкур сонида жамият бошқарув Раисининг ишчи-ходимларга мурожаати эълон қилиниб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қушимча чора-тадбирлари тугрисида” ги Фармони талаблари асосида корхонада 2021 йилда коррупция иллатига қарши амалга оширилган тадбирлар тугрисида ҳам тухталиб ўтилди.

Шунингдек, корхона “Кимёгар” газетасининг 2022 йил 28 январдаги №1-сонида **“Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш”** рукни остида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб давлат ташкилотлари ходимлари, раҳбарлар ва уларнинг оила аъзоларини даромадларини мужбурий декларация қилиш мумкинлиги тўғрисида **мақола** эълон қилинди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 16 феввалида корхонанинг “Аммиак-3” цехида 63 нафар ходимлар иштирокида “халоллик вакцинаси” тамойили асосида **“Коррупцияга қарши кураш-барчамизнинг бурчимиздир”** мавзусида умумий профлактик тадбир ўтказилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 23 феввалида корхонанинг жихозларни марказлашган таъмирлаш цехи (45 нафар) ҳамда 24 феввалда корхона электр жихозларини марказлашган таъмирлаш цехи (47 нафар) ходимлари

иштирокида “халоллик вакцинаси” тамойили асосида “Коррупцияга қарши кураш-барчамизнинг бурчимиздир” мавзусида умумий профилактик тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирлар корхонанинг расмий веб сайтыда (azot.uz) жойлаштирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 02 март куни корхонанинг “Автотранспорт” ва “Металл топшириш” цехларида (55 нафар ходимлар), 03 мартда Мехнатга ҳақ тўлаш бўлимида (15 нафар ходимлар), 04 мартда таъминот ва логистика бўлимларида (27 нафар ходимлар), 07 мартда ходимлар билан ишлаш бўлими (12 нафар ходимлар) 09 мартда қурилиш ва инвестициялар бошқармаси (20 нафар ходимлар) ходимлари, 10 мартда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий-техникани ривожлантириш бошқармаси (30 нафар ходимлар) ходимлари билан “халоллик вакцинаси” тамойили асосида “Коррупцияга қарши кураш-давр талаби” мавзусида умумий профилактик тадбирлар ўтказилди. Мазкур профилактик тадбирлар корхонанинг расмий веб сайтыга (azot.uz) жойлаштирилади.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 10 март куни корхонанинг бухгалтерия бўлими (45 нафар), 16 мартда кутқарув хизмати ва санитар-лаборатория (30 нафар), 24 мартда сув, буғ таъминоти ва оқава сувлар цехи (41 нафар), 26 мартда электр таъминоти цехи (26 нафар) ва 30 мартда сирка кислотасини қайта тиклаш ва ҳаво ажратиш цехлари (30 нафар) ходимлари билан “халоллик вакцинаси” тамойили асосида “Коррупцияга қарши кураш-давр талаби” мавзусида умумий профилактик тадбирлар ўтказилди. Мазкур профилактик тадбирлар корхонанинг расмий веб сайтыга (azot.uz) жойлаштирилади.

Бундан ташқари, корхона “Кимёгар” газетасининг 2022 йил 07 мартда чоп этилган № 2 - сонида “Коррупцияга қарши кураш-истикболимиз ривожининг асосий шартидир” ҳамда рус тилида “Борьба с коррупцией - важный фактор развития государства и общества” номли **мақолалар** эълон қилинди.

Ўтган 2021 йил 1 ярим йиллигида амалга оширилган ишлар билан жорий йил 1 ярим йиллигида амалга оширилган ишларни таққослаш натижасида ижобий ўсиш кузатилиб, қуйидагиларни ташкил қилди.

2021 йилнинг 1 ярим йиллигида 9 та умумий профилактик тадбирлар, 150 та яқка тартибдаги профилактик тадбирлар, 1 та тренинг, 2 та семинар йиғилиши, 2 та тарғибот, 2 та аксилтарғибот, 1 та тест синовлари, 3 та мақола, 3 та тадбирларни расмий сайтга жойлаштириш ишлари амалга оширилган.

2022 йилнинг 1 ярим йиллигида эса 1 та радио орқали профилактик тадбир, 1 та матбуот анжумани, 7 та “Кимёгар” газетасида мақолалар, 7 та семинар-тренинглар, 31 та умумий профилактик тадбирлар ўтказилиб, корхона расмий сайтыга жойлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўтказилган профилактик тадбирлар ва корхона раҳбарияти томонидан қурилаётган чоралар натижасида жамиятда бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, жамият ишчи ходимлари ўртасида ўғирлик ҳолатлари, майда ташмачилик, моддий зарар келтириш ҳолатлари кескин камайди. Шунингдек, корхона раҳбарияти томонидан байрам ва турли маърифий, спорт

тадбирлари давомида ишчи ходимларни рағбарлантириш ишлари амалга ошириб борилаётганлиги натижасида маънавий мухит яхшиланишига ҳамда коррупцион ҳолатларни камайишига ўзининг ижобий таъсирини курсатди.

### **Корхонадаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати талаблари бажарилиши, коррупцион хавф-хатарлар, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар**

Юқорида амалга оширилган тадбирлар тахлили шуни кўрсатадики, корхонада коррупцияга қарши кураш сиёсатига («Farg'onaazot» АЖ нинг коррупцияга қарши сиёсати (Буйруқ №1274, 09.11.2020 й.) амал қилинмоқда ва **2022 йилнинг 1 ярим йиллигида**) коррупцион хавф-хатарлар асосан:

- 1) Корхона омборларидаги ТМБ ларини сақлаш ва маҳсулотларни харидорларга юбориш соҳасида; (Андижон вилояти Жалақудук туманида жойлашган №16 сон ваколатли омборида аниқланган ҳолатлар);
- 2) Харидларни ташкил этиш соҳасида; (Фуқоро У.А.Мамажанов томонидан биржа савдолари орқали олинаётган маҳсулотларни олиб чиқиб кетишда руй берган муаммоли ҳолатлар);
- 3) Фуқороларни ишга олиш ва меҳнат муносабатлари соҳаларида (фуқоролар мурожаатининг 79,1 % ишга кириш масаласида эканлиги);
- 4) Корхона цехларидаги ТМБ ларини ўғирлаш ҳолатларида (кабел ўғирликлари бўйича аниқланган ҳолатлар);
- 5) Логистика ва транспорт соҳаларида (юкларни жунатиш ва темир йўл цехида аниқланган ҳолат).

Аниқланган коррупцион хавф-хатарларни олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида комплаенс назорат хизмати томонидан амалга оширилган ички хизмат суруштирувлари ҳулосаларида жамият раҳбариятига ҳар бир суриштирув ишлари ҳулосаларида тегишли **таклифлар** берилган.

### **Коррупцион хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича таклифлар:**

-Корхонанинг иктисодий зонасида тайёр маҳсулотларни сақлаш омборларида (ваколатли омборларида) уларни вагонларга ортиш, тарозидан ўтказиш жараёнларини тўлиқ қамраб оладиган жойларга талон-тарож қилишни олдини олиш, меҳнат интизоми ва техника хавфсизлигини назорат қилиш учун мукаммалашган (модернизация қилинган) видеокузатув тизимини ўрнатиш чораларини куриш;

- Ваколатли омборларни танлаш, тегишли танловлар ўтказиш, уларни жиҳозланиш ҳолатларини текшириш ишларида комплаенс назорат хизмати ходимларининг қатнашишларини таъминлаш;

- Ишга қабул қилиш ва корхонада раҳбар ва ишчи ходимларни лавозимдан лавозимга кўтаришда ёки тенг лавозимга ўтказишда (ишдан бушатиш бундан мустасно) ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан комплаенс назорат хизмати билан келишиш механизминини белгиловчи меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш;

- меҳнат интизомига риоя этилиши ва цехларда “мертвые души” ларга йўл қўймаслик учун корхона кириш дарвозаларига электрон турникетлар ўрнатиш;

- корхона ҳудудида ўғирликларга йўл қўймаслик мақсадида аниқланган ҳолатларни мунтазам муҳофама қилиб бориш ҳамда камчиликларга йўл қўйган раҳбар ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўриб бориш;

- логистика ва транспорт йуналишида юк ортиш ва жўнатиш бўйича тегишли йўриқномаларни ишлаб чиқиш;

- Коррупцион ҳолатларни олдини олишда тезкорликни таъминлаш мақсадида комплаенс назорат хизмати ҳамда ички аудит биргаликда амалга оширишлари лозим бўлган тадбирларни белгиловчи меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш;

- Коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва йўл қўймаслик мақсадида профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш.

**“Фарғонаазот” АЖ**

**Комплаенс назорат хизмати бошлиғи**  **Ғ.Жаббаров**

04 июль 2022 йил.

Комплаенс назорат хизматининг 2022 йил 1 ярим йиллиги бўйича ҳисоботи билан танишдим:

**“Фарғонаазот” АЖ**

**Бошқаруви раиси**

“ 5 ” июль 2022 йил.



**Д.Маннанов**